



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor posyolkasi.
221200, пос. Янгибазар Хорезмской области Республики Узбекистан. Телефоны: 41-94-255, 41-94-144

1-декабрь 2018 й.

№ 18

Yangibozor shaharchasi.

Янгибозор туманининг 2018 йилги асосий макроиктисодий
кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг
асосий параметрлари тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) 28, 99-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги “Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий параметрлари тўғрисида”ги 24-102-сонли ҳамда халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги “Янгибозор туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий параметрлари тўғрисида”ги 33-2-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги “Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий параметрлари тўғрисида”ги 24-102-сонли ҳамда халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги “Янгибозор туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий параметрлари тўғрисида”ги 33-2-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йилга мўлжалланган туман маҳаллий бюджетининг:

- туман маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари даромадлари ва қаражатлари ҳажмлари миқдорлари 1-иловага* мувофиқ;

* туман маҳаллий бюджетининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман молия бўлими мудирини (Ж.Халметов)га (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетларга бюджетдан ссудалар ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафакалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш топширилсин.

4. Туман молия бўлимининг 2018 йилги туман маҳаллий бюджети даромадларини 12 млрд.701.1 млн.сўм ва харажатларини 51 млрд.166.5 млн сўм миқдоридан аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

5. Янгибозор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари халқ депутатлари туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 33-2-сонли қарори билан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Янгибозор кўзгуси” газетасида эълон қилинсин.

7. Туман ҳокимлиги бош мутахассиси (Б.Пўлатов);

- мазкур қарорни туман ҳокимлигининг yangibozorhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштиради;

- туман молия бўлими билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини аҳолига тушинтириш ишларини олиб боради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Бекчанов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



[Handwritten signature]

О.Мадрахимов